

Күз ёшим тупрок ила гар котила,  
Келмагайман жавридин, хакко, тила.  
Гамзаси ўлтурди-ю, ул бехабар,  
Мен агар ўлсам не гам ул котила?

\* \* \*

Коматимни неча кошинг ё кила?  
Неча хажр ўти жонимда ёкила?  
Гамза бирла тўкти коним ул санам,  
То хинотек кон элина ёкила.

\* \* \*

Кечти умру тушмади ул ёр ила,  
Кўркарам кўнглум бу гамдии ёрила.  
Бу вафосизликки, сендин кўрмишам,  
Эътиқодим колмади хеч ёр ила.

\* \* \*

Эй кўнгул, ёрсиз санга не бор, бор,  
Кайдаким ул зулфи анбарбор, бор.  
Чек жафоу жавру нози борини,  
Бир кун ўлгайким, дегайлар: «Бор-бор!»

\* \* \*

Кошларинг хуш ложуварди ток эрур,  
Хусн ичинда беназиру ток эрур.  
Торта олмасман фирокинг нетайин,  
Килча танга бори ишкинг ток эрур.

\*\*\*

Синди кўнглум шишаси гам тошидин,  
Кон сироят килди ичу тошидин.  
Кўркарам сен хам вафосизлар бикин  
Бўлмагайсан ичи куфри тошидин.

\* \* \*

Кўнглума хар ёнки боксам, доги бор,  
Хар неча дардимни десам, доги бор.  
Килча танга бори ишкинг ёр эди,  
Бир сори бўлди фирокинг доги бор.

\* \* \*

Мен сенинг илкингдин, эй дил, бандамен,  
Вах, качон еткаймен ул дилбанда мен.  
Бевафоларга мени килдинг асир,  
Сен менга сultonсан, эй дил, banda мен.

\*\*\*

Чархи кажрафтор элидин ёзамен,  
Чикмадим хижрон кишиндин ёза мен.  
Бир мени ёрлик била ёд этмас ул,  
Хар неча ул шахга куллук ёзамен.

\*\*\*

Тиласангким, анбари тар сочасен,  
Эл била килгил ишорат соча сен.  
Шаккарафшон кил чаманда сўз ила,  
Инфиол бер тўти, булбул, соча сен.

\*\*\*

Дилбаро, туштим иликтин тила мен,  
Сендин ўзга не жаҳонда тиламен.  
Гар ракибим тушса менинг кўлумга,  
Оркасиндин тасмалар кўп тиламен.

\*\*\*

Боги хуснунгдин гуле гар тергамен,  
Бош агар борса бу йўлда, тергамен.  
Ой юзунгни кунга ўхшаткан учун,  
Гарк бўлмушмен ўёттин терга мен.

\*\*\*

Бир назар килдим, кул ўлдум оя мен,  
Ул сабабдин жону дилни оямен.  
Гар мени шохимга еткурса худой,  
Хазратингда саргузаштим оямен.

\*\*\*

Гарчи курутмас кўзумнинг ёшини,  
Ҳак узун килсун ул ойнинг ёшини.  
Йиглама кўп, бу вужудинг ишқ ўти  
Не куругин кўйгуси, не ёшини.

\*\*\*

Туз, бегим бу дамда сухбат кўкини,  
Тут аёк, кес дарду гамнинг кўкини.  
Иликингдин чикса бошка бир аёк,  
Кўзга илмон дунянинг ер-кўкини.

\*\*\*

Топти булбул ноладин бозорини,  
Ким севар гул нолай бо зорини.  
Писта гар лофт урдиса оғзинг била,  
Синдур ул оғзи очук бозорини.